Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 128 (21. 227) 1992 йил 1 июль, чоршанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Воқеалар. Янгиликлар. Шарҳлар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида АХБОРОТ

30 июнь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг V пленуми бўлди. Унда республика Олий Кенгашининг X сессияси муносабати билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг сиёсий йўли ва депутатлар партия гуруҳининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов маъруза қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилояти кенгашининг биринчи котиби А. Э. Тўрақулов, «Конструктор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги ХДП аъзолари партия гуруҳининг ҳамраиси А. Ғ. Ғуломмаҳмудов, Тошкент Сиёсатшунослик ва ошқарув институтининг ректори М. И. Искандаров сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Республика Олий Кенгашининг бўлажак сессиясида кўриладиган масалалар бўйича партиянинг сиёсий йўли белгилаб олинди.

Шунингдек, пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. А. Н. Носиров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби вазифасидан озод қилди.

Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби бўлиб ишлаб келган Муқимжон Қирғизбоев Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Пленумда Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятлари партия ташкилотларидан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Марказий Тафтиш комиссиясига янги аъзоларнинг сайланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров қатнашди ва сўзга чиқди.

Пленумда Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, Республика Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳи аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари ҳам иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Матбуот маркази.

ТАНИШИНГ: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ КОТИБИ

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ

Муқимжон Қирғизбоев 1948 йилда Наманган вилоятининг Норин районида туғилган. Миллати ўзбек. Маълумоти олий. 1973 йилда Андижон давлат педагогика институтини битирди.

У меҳнат фаолиятини армия хизматидан қайтгач, 1974 йилда ўзи ўқиган институтга ўқитувчиликдан бошлаган. 1976—1979 йилларда Тошкент Давлат университетининг аспирантурасида ўқиди ва тарих фанлари номзоди илмий даражасини олди. М. Қирғизбоев 1989 йилдан 1991 йилгача Андижон Давлат педагогика институтида сиёсий тарих кафедрасининг мудири бўлиб ишлади. Ўтган йилда уни Ўзбекистон ХДП Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб сайладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши кеча бўлиб ўтган пленумида Муҳимжон Қирғизбоев Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯДА

Ислом КАРИМОВ: «ДУНЁГА ТУРКИЯ ОРҚАЛИ ЧИҚМОҚЧИМИЗ»

ИСТАНБУЛ. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаҳон иқтисодий анжуманининг «Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик минтақаси: Туркия ва Ўрта Осиё республикалари» мавзуидаги кенгашида қатнашиш учун Туркияга келди.**

Ҳурматли меҳмонни Отатурк аэропортида давлат вазири Шариф Эрсон, ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Каримов учрашув чоғидаги суҳбатларда Туркияга келганидан мамнун эканини таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз сўзида Туркиянинг ташқи сиёсат соҳасида олиб бораётган йўли Ўзбекистонга ҳам мақбул эканини, ўз мамлакатининг Туркия орқали дунёга чиқиш имкониятига эга бўлаётганини айтди.

Ислом Каримов Бурсада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ: «ОТАТУРК ЙЎЛИНИ ТАНЛАДИК, БУ ЙЎЛДАН ҚАЙТМАЙМИЗ»

БУРСА. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Отатурк йўлини танладик, бу йўлдан қайтмаймиз», деди.

У Бурсага давлат вазири Жавит Чоғларнинг таклифи билан келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Чоғларнинг мулки бўлган фабрикаларда бўлиб, корхоналарнинг самарали иши унга маъқул тушганини айтди.

И. Каримов Усмонлилар империясининг асосчиси бўлган Усмон Ғози ва Ўрхон Ғози музейларига борди.

Бурса вилоятининг ҳокиси Президентни илиқ кутиб олди.

Ўзбекистон Президенти вилоят ҳокими Нежоти Четинқоя қароргоҳида қабул қилинаркан, усмонлиларнинг дастлабки пойтахти бўлган Бурса шаҳрига келганимдан ниҳоятда хурсандман, деди.

И. Каримов Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганига атиги бир йил бўлганини, шу давр мобайнида Туркия мадад бериб турганини мамнуннят билан қайд этди. У сўзини давом эттириб шундай деди:

— Ҳаммамиз биргаликда ишлаб, барча қийинчиликларни енгамиз. Қудратли давлат бўлган Туркия биз учун катта мададдир. Биз Туркияни ўрнак, деб биламиз. Бизнинг йўлимиз равон. Қийинчиликлар бор, аммо енгиб ўтамиз, таянчимиз — турк миллати, йўлимиз буюк доҳий Отатурк йўлидир. Биз бу йўлдан қайтмаймиз.

Ислом Каримов Бурса ҳокими Нежоти Четинқояга, Бурса ҳокими эса Ўзбекистон Республикаси Президентига совғалар ҳадя этишди.

Туркиянинг АНАДОЛУ ахборот агентлиги — ЎзАнинг махсус мухбири.

Шуҳрат Ғанибоев 20 йилдирки Қўқон локомотив депосида ўндан зиёд шогирд тайёрлади. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ишлайди. Тажрибали тепловоз ҳайдовчиси бу давр мобайнида устоз билан ёнма-ён меҳнат қилишяпти.

Суратда: Ш. Ғанибоев.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси очилади

ЭРТАНГИ КУНГА УМИД

Ўзбекистон Олий Кенгашининг сессиясидан умидимиз катта. Қўйилган масалалар моҳияти, жиҳатидан ҳам, мақсад ва вазифаси жиҳатидан ҳам жуда муҳим ва ҳаётийдир.

Шуниси эътиборга лойиқки, кўп масалалар турмушни, иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган. Иқтисодий аҳволимиз эса унчалик даражада яхши эмас. Шунга кўра бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир фуқароси, айниқса, бизга ўхшаган қишлоқ меҳнаткашлари, чўпонми, пахтакорми, механизаторми— ҳамма-ҳамма иқтисодиётнинг яхшиланишидан манфаатдор.

Келажакка умид қилиб яшамоқдамиз. Масалан, биржа тўғрисида қонун қабул қилиниши, республикамизнинг мустақил давлат сифатида халқаро агентликлар —йирик ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ масалалар халқ ноибларни эътиборига ҳавола этилиши—бу ҳаёт талаби. Бир сўз билан айтганда, булар халқимизнинг келажак бахти, истиқлолга ёрдам берадиган тадбирлардир.

Фаровонликни ошириш билан боғлиқ ҳар бир ҳайрли ишни халқимиз астойдил қўллаб-қувватлайди. Ўйлаймизки, сессияда илгари суриладиган фикр ва мулоҳазалар халқ ноибларига ҳам маъқул тушади.

Мен оддий чўпон бўлсам ҳам кўп вақт вилоят, республика даражасидаги йиғинларда, анжуманларда қатнашганман. Ўз вақтида республика халқ депутати сифатида Олий Кенгаш мажлисларида иштирок этганман. Илгариги йиғилишларда кўп масала шунчаки қўл кўтарилиб, тасдиқланиб олинар эди, холос. Демократия ва ошкоралик туфайли ҳозир ҳар бир масала ҳаётий, унда кўтариладиган муаммолар ўз ечимини топадиган даражада, энг муҳими, келажакка хизмат қилади. Қаердаки тинч-тотувлик, демократия ва ошкоралик ҳукмрон бўлса ўша ерда бозор иқтисодиётига ўтиши енгиллашади, халқимиз ҳаёти яхшиланади. Мен оддий чўпон сифатида буни кундалик ҳаётда ҳис этиб турибман.

Тўймурод НУРИЕВ,
Баҳористон районидаги, «Ўзбекистон» давлат наслчилик заводи бош чўпони.

ҚОНУНИМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН

Ўзбекистон Олий Кенгаши сессияси кун тартибига қўйилган кўплаб ҳаётий масалалар қатори «Таълим тўғрисида»ги республика қонуни лойиҳаси ҳақидаги масала муҳокамасини биз, муаллимлар алоҳида қизиқиш, катта умидлар билан кутмоқдамиз. Бу қонун, шубҳасиз, бутун жумҳуриятимиз ҳаёти, келажаги тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган масаладир.

Сессия тасдиқидан ўтадиган қонун энг аввало мактабларимизнинг миллий сиёсатини белгилаб бериши керак. Бу ғоят муҳим нарса. Президентимизга миннатдорлик, ҳурмат. Сўнгги бир йилда ўқитувчиларга ғамхўрлик борасида катта ишлар қилинди. Шулар туфайли эски ўқинчлар унутилмоқда. Эзилган, қадри топталган муаллимлар қайта тикланмоқда, жамиятдаги ҳақиқий ўрнини топмоқда. Лекин бу ҳол қонунда ўз аксини топмоғи керак. Биз кимларнингдир саҳнийликларини кутиб эмас, ўз қонунимизга суяниб иш кўрайлик.

Ш. ҚОДИРОВА,
Гулистон шаҳридаги А. Навоий номли ўрта мактаб директори.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎНИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси эртага, 2 июль куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари бугун, 1 июль куни, эрта билан соат 10 дан то 18 га қадар, эртага, 2 июль куни эрта билан 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 1 июль куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Олтмиш йил муқаддам бир гуруҳ фидойи шифокорлар саводли 15 нафар йигит-қизни йиғиб, Бухородаги Мирза Раҳматилло бойнинг ҳовлисида тиббиёт билим юртини очишганди. Тўнгич ўрта махсус ўқув юртларидан бири бўлган бу билимгоҳни ўтган давр мобайнида 25 мингдан зиёд йигит-киз битирди.

Билим юрти узоқ йиллар нафақат Бухоро воҳаси балки Қорақалпоғистон жумҳурияти, қўшни Қашқадарё, Хоразм вилоятлари учун ҳам мутахассислар етказиб берди. Ҳозир ҳам меҳнат жамоаси минтақадаги барча шифокорлик ўрта ўқув юртлари педагоглари учун таянч базаси бўлиб турибди.

Билим юртида бир фан доктори, ўн беш фан номзоди, кўплаб тажриба ва малакали шифокорлар ёшларга касб сирларини ўргатишмоқда. Билим юртининг мавжуд беш бўлимида икки мингга яқин ёш таълим олмоқда.

Яқинда Бухоро шаҳар жамоатчилиги билим юртининг олтмиш йиллик юбилейини нишонлади. Унда қатнашган вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров, республика турдош ўқув юртлари вакиллари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, билим юрти ўқитувчи ва ўқувчиларини ўзига хос таввалуд билан муборакбод этишди, кўпчиликка эсдалик совғалари берилди.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

● Избоскан районининг Абдусамад Тиллабоев номидаги жамоа хўжалиги сабзавоткорлари бу йил Андижон вилоятида биринчилардан бўлиб помидор етиштиришда янги усулни қўлладилар.

Хўжалик деҳқонлари 60 гектар майдонга тажриба тариқасида помидорнинг «Ўзбекистон» навини кўчатдан эмас, балки уруғидан экишди. Бунинг учун маккажўхори экишга мўлжалланган сеялка қайта жиҳозланиб мослаштирилди. Ҳар гектар ерга уч килограммдан уруғ ишлатилди.

Ҳозир бу майдондаги экин шиғил ҳосили билан кўзни қувонтиради. Янгиликнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, сабзавоткорлар помидор кўчати етиштириш учун қилинадиган ортиқча сарф-харажат ва меҳнатдан қутуладилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, янги усулда ҳосил етиштириш хўжаликнинг 100 минг сўмдан зиёд маблағини тежаб қолади.

— Бу усул помидорни табақалаб экиш, яъни узлуксиз ҳосил етиштириш имконини беради, — дейди хўжалик бош агрономи Азимжон Деҳқонов. — Демак, ҳосилни қишга қадар консерва заводи битай деб қолди. Корхона ҳар кеча-кундузда 100 тоннагача ҳосилни қайта ишлайди. Шуни эътиборга олиб келгуси йилдан янги усулда помидор етиштириладиган далаларни икки-уч баравар кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

• ХДП: бошланғич ташкилотлардан хатлар

● Бирлашмамиз вилоятдаги энг йирик кимё корхоналаридан саналади. Унда саксондан зиёд миллат ва элатларга мансуб 10 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Ана шундай катта кучни бир мақсад сари йўналтириш, кимёгарлар ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини қарор топтириш биз — Халқ демократик партияси аъзоларининг муқаддас бурчимиздир. Гап фақат ишчилар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш, байналмилал дўстликни шакллантиришдами? Йўқ, албатта. Ҳозирги мураккаб иқтисодий танглик шароитида аҳволни ўнглаш, бирлашма иқтисодиётини юксалтириш, энг муҳими — кимёгарларнинг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш асосий масаладир.

ВАЗИФА МУРАККАБ, МАСЪУЛИЯТ ЮҚОРИ

ЧУНКИ бозор муносабатлари, амал қилаётган эркин нархлар ҳамма корхоналарда бўлгани сингари бизнинг бирлашма ишчиларини ҳам танг аҳволга солиб қўйди. Хўш, ана шундай шароитда бирлашма бошланғич партия ташкилоти қандай ишларни амалга оширмоқда? Унга уюшган ХДП аъзоларининг фаоллиги, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги нималарда намоён бўлмоқда? Мен қуйида партия ташкилоти котиби сифатида кўпроқ ана шуларга тўхталмоқчиман.

Ташкилотимизда ҳозир жами 80 нафар ХДП аъзоси бор. Агар буни собиқ КПССга уюшган коммунистлар сони билан чоғиштирадиган бўлсак, ўн фоизни ҳам ташкил этмайди. Зеро, бирлашма бўйича илгари 1100 нафар партия аъзоси бўлган.

Бу билан бирлашмада янги партияга муносабат яхши эмас, бу ердаги партия ташкилоти номигагина мавжуд экан, деган тушунчага бормаслик керак. Масалан, бултур ноябрь ойига қадар бирлашмада жами 55 нафар ХДП аъзоси бор эди. Мен ўзим котиб сифатида 25 та ишлаб чиқариш илғорларини ХДП аъзолигига қабул қилдим. Буларга мисол қилиб, Салим Гараев, Александр Одареч, Эргаш Останаев, Анна Жоледова сингари цех мастерлари, операторлар, аппаратчи слесарларни кўрсатиш мумкин. Ҳозир ҳам қўлимизда ўз ишонч, эътиқоди билан сафимизга қўшилиш истагини билдирганларнинг ўнлаб аризалари турибди. Яқинда бўлиб ўтадиган йиғилишимизда уларни партия аъзолигига қабул қиламиз. Бундан ташқари жамоаси кенг цехларда, бўлинмаларда тез-тез бўлиб, партиямизнинг Дастури ҳамда Низомини кенг тарғиб қилаяпмиз. Бу ҳужжатлар тўла демократия асосларига амал қилишини, халқнинг манфаатини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашни далиллар асосида тушунтираяпмиз. Бироқ Халқ демократик партияси вилоят ва шаҳар кенгашининг амалий кўмагини сезмаяпман. Қани энди, бирлашмамизда шаҳар партия кенгаши фаоллари вақти-вақти билан бўлиб, бизга амалий ёрдам беришса, билмаганимизни ўргатишса? Яна бир ташвишли томони бу — 10 минг ишчиси бўлган катта бир жамоада бошқа ишлардан озод қилинган мустақил партия котибининг йўқлигидир. Масалан, мен ўзим бирлашманинг 701-катализатор цехида таъмирлаш бўйича мастер бўлиб ишлайман. Хўш, мен мастер сифатида фаолият кўрсатайми ёки партия ташкилоти котиблигини бажарайми? Бу масалада ҳам ХДП шаҳар кенгашининг мадади зарур.

Худди шу ўринда бирлашма раҳбарларининг партия ташкилотимизга етарлича оталиқ ёрдами кўрсатмаётганлигини ҳам қайд этмоқ жоиздир. Зеро, биз, айтарли ҳамма ишларга: ҳоҳ у бирлашма иқтисодиётини тиклаш бўлсин, ҳоҳ у ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўлсин, ҳаммасига масъулмиз. Шундай экан нега энди бизга мунтазам амалий ёрдам кўрсатилмайди? Назаримда шунинг учун ҳам бирлашмада ХДП аъзолари сони кам. Ўйлаймизки, бундан кейин бизга зарур ёрдам кўрсатилади.

Энди юқорида қайд этганимдек, иқтисодий танглик даврида кимёгарларнинг меҳнат шарт-шароити, уларнинг ҳимояланиши масаласига келсак, бу борада қўлдан келган ҳамма ишни қилаяпмиз. Партиямиз бирлашма касаба уюшмаси билан ҳамкорликда қатор хайрли ишларни ҳал этмоқда. Айниқса, уруш иштирокчиси ва байналмилалчи жангчиларга, бирлашмада ишлаб ногирон бўлиб қолган ёки боқувчисини йўқотганларга мунтазам меҳр-шафқат, мурувват кўрсатилаяпти. Шунингдек, партия ташкилоти кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга ҳар ойда белгиланган миқдорда ёрдам пули ажратяпти.

Энг асосийси — ишчиларни кундалик озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш, уларнинг маоқли дам олишлари ташкил этилаётганидир. Айниқса соғлиққа зарарли цехларнинг кимёгарлари доимий назоратимизда. Уларга сутли маҳсулотлар билан бирга товон пули ҳам икки ҳиссадан берилаяпти. Яна бир қулайлик жиҳати — барча ишларга автобус қатнови бепул ташкил этилганидир. Бундан ташқари, фақат овқат ва картошка пули учун ҳар ойда ишчилар 200 сўмдан олишаяпти. Буларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда ҳар бир кимёгар ойига ўртача 2,3—2,5 минг сўмдан маош олаяпти.

Биз ишчиларнинг уй-жой билан таъминланиши, янги ишга келганлар ишчи ётоқхоналарига эга бўлишини ҳам ўз назоратимизга олганмиз. Шунингдек, кимёгарларнинг фарзандлари учун ҳам бир қатор имтиёзлар яратилган. Улар учун боғчаяслилар ниҳоятда арзонлаштирилган. Хуллас, ишчиларни ижтимоий ҳимоялашни биз ўз бурчимиз, вазифамиз деб билмоқдамиз. Бу ўринда бизга ХДП аъоларидан ташқари партия аъзоси бўлган халқ депутатлари ҳам яқиндан туриб ёрдам беришаяпти.

Аммо айрим ечимталаб муаммолар ҳам борки, уларнинг ҳаммасини масъулият кўрсатишимизни тақозо этаяпти. Масалан, бирлашмани зарур хом ашё билан узлуксиз таъминлаш ёки кадрлар қўнимсизлиги муаммосини олсак ташвишимиз янада ортади. Бунинг устига энг ишбилармон, етук мутахассис кадрлар турли хил сабаблар билан бирлашмадан кетиб қолаяпти. Унинг ўрнига эса малакали кадр ҳадеганда топилмаяпти.

Хуллас, ҳали қиладиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Бунга эса бирлашмада партия обрўсини ошириш, унинг сон ва сифат жиҳатидан юксалувини таъминлаш билангина эришамиз.

А. НИКОНОВ,
Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти котиби.

ИШОНЧ

Ғиждувон район партия ташкилотларида аъзолар фаоллиги ва ташаббускорлигини кучайтириш, сиёсий ташкилот нуфузини ошириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Хусусан, Абдухолиқ Ғиждувоний номли жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти фаолияти ибратлидир. Хўжалик партия ташкилоти атрофига 140 ХДП аъзоси жипслашган. Улардан 124 нафари бевосита ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатмоқда. 12 та ҳудудий қишлоқ партия ташкилотлари ўз аъзоларини юксак вазифаларни бажариш учун ҳалол меҳнат қилишга даъват этмоқда.

Шуниси қувончлики, жамоада ХДП аъзолари сафи фаолияти ва саъй-ҳаракатлари ҳамда маслаҳатлари жуда қўл келмоқда. Кекса пахтакор Содиқ Латипов, Карим Насимов, иқтисодчи Келдиёр Ҳусенов, меҳнат фахрийси Неъмат Бобоев сингари жонкуярлар аҳоли ўртасида кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Раҳбарлик тўлалигича ҳокимият ихтиёрига ўтган бир пайтда хўжалик партия ташкилоти улар билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Айниқса, ХДП аъзоси бўлган депутатлар кучига таяниляпти. Ҳозир ХДП аъзоларидан 2 нафари вилоят, 1 нафари район, 17 нафари қишлоқ Шўроси депутатидир. Улар ҳам ХДП аъзоси, ҳам халқ нойби сифатида қишлоқ муаммоларини ҳал этиш, жумҳурият Президенти фармонларининг ижросини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар.

Уларнинг бевосита фаолияти туфайли қишлоқлар газлаштирилди, аҳоли ичимлик суви билан таъминланмоқда.

— Партия ташкилотимиз меҳнаткашлар билан жуда яқин бўлгани учун ҳам обрўси ошаяпти, — дейди хўжалик партия ташкилотининг котиби Икром Шаропов. — Зеро, уларни ижтимоий ҳимоялаш, ишсизларни иш билан таъминлаш чораларининг кўрилиши бунинг заминини ташкил этади. Ҳозир қишлоқларимизда маҳаллий саноатнинг ўнга яқин кичик цех ва корхоналари очилиб, уларда юзлаб ёшлар меҳнат қилмоқда. Мазраган ва Хатича қишлоғида гилам, хотинқизлар жемперлари тўқиш ҳамда тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Уларнинг маҳсулотлари кўпчиликка маъқул тушмоқда. Яқинда атлас тўқиш кичик корхонаси йўлга қўйилди. Бу цех ва корхоналарга ХДП аъзолари раҳбарлик қилмоқдалар.

Партия ташкилоти ўз фаолиятида хўжалик ишлари билан банд бўлиб қолаётгани йўқ. Ёки юқоридан буйруқ кутаётгани ҳам йўқ. Мустақил ишлашга ҳаракат қиляпти. Шунинг ўзи партия аъзоларида ХДПга тўла ишончни мустаҳкамламоқда.

Д. БАХРОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

• Мустақиллик ишчанликни ёқтиради

ИЧКИ ИМКОНИЯТ ҲИСОБИГА

Ургут район саноат комбинати ҳунармандчиликни ривожлантириш эвазига халқ истеъмоли моллари тайёрлашни кўпайтиришга эришмоқда.

Дарҳақиқат, қалбда иштиёқ, мойиллик жўш урса, сабру бардош топилса, кўзланган мақсадга, албатта, эришилади. Ургут саноат комбинати жамоаси 1990 йилнинг апрелида ана шундай эзгу ният билан иш бошлаган эди.

Аввал бор-йўғи учта корхона — автомобилларга хизмат кўрсатувчи иккита устахона ва битта сомсахона бор эди, холос. Кексалар айтганидек, қаноатнинг жиловини қўйиб юборишмади. Қийинчиликлар, таънаю дашномларга чидашди. Астасекин мутахассислар, ускуналар, бинолар ҳам топилди. Боридан эса ямаб фойдаланишди. Натижада йил охирига қадар тикувчилик, Шарқ ширинликлари, қандолатпазлик, кулолчилик, оҳак пишириш, жувоз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ишга туширилди. Бу юмушларга юздан зиёд киши сафарбар этилди. Корхоналар қисқа муддат ичида ўзини оқлай бошлади.

Дастлабки тажриба тилга тушди. 1991 йил июнида бу ерда Маҳаллий саноат вазирлиги жумҳурият миқёсида катта анжуман ўтказди. Вазир В. Чжен ва бошқа мутахассислар, турли вилоятлардан келган ҳамкасблар ургутликларнинг ишига юксак баҳо бердилар. Айниқса, ички имкониятлар ҳисобидан ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш барчага маъқул тушди.

— Ургутда қадимдан ҳунармандчилик авж олган. Фақат эътиборсизлик туфайлигина улар бу иш билан шуғулланмай қўйишган эди. Биз ишни ҳунармандчиликни тиклашдан бошладик, — дейди комбинат директори Фахриддин Фазлиев. — Биласизми, косиб ва ҳунармандлар ҳалққа нима кераклигини яхши билишади ва буюмларни кишилар дидига мослаб ясаб беришади. Сифат, чидамлилик борасида бундай маҳсулотлар жаҳон стандартидан қолишмайди. Яна бир қулай томони шундаки, ҳунармандлар катта жой, кўп ҳом ашё сўраб ўтиришмайди. Барчаси шу ернинг ўзидан топилади.

Ҳақиқатан ҳам усталар ясаётган кетмону ўроқлар, пичоғу тақалар, савату элаклар, аёллар тайёрлаган каштаю сўзаналар, дўппиларни аҳоли қувонч билан ҳарид қилаётир. Бундан ташқари, «Октябрь» жамоа хўжалигида тикувчилик, «Ленинград» хўжалигида гиламчилик цехлари ишлаб турибди. Шахсий уй-жой қурилиши авж олган ҳозирги пайтда дурадгорлик цехи усталарининг қўли-қўлига тегмайди.

Тоғ бағрига жойлашган бу масканда мармар ва гранит ҳам қазиб чиқарилаётир. Саноат комбинати ана шу конлар қошида мармар увоғидан маҳсулот тайёрлайдиган алоҳида цех очди.

Ҳа, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, турлари кун сайин кенгайиб бораётир. Шу йилнинг ўзида хонатлас цехи ишга туширилди. Ерёнғоқ чақиш, лимонад ва турли шарбатлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ўтган йилнинг ўзида 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 200 минг сўм соф фойда олинди. Айтгандай, тайёр маҳсулотлар комбинатнинг «Феруза» фирма дўконида сотилмоқда.

Комбинат жамоаси изланишни давом эттирмоқда. Ипак қурти парваришлаб, хонатлас цехи учун хом ашё етиштирилди. 2 — 3 жойда жувозхона очилди. Учта сув тегирмон ишга туширилди. Буларнинг барчаси район ҳокимияти ёрдамида, аҳолининг иштирокида амалга оширилаётир.

Корхона олдида мураккаб муаммолар ҳам турибди.

— Нарх-навонинг кўтарилиши етмагандек, ҳар хил солиқлар ҳам пайдо бўлаётир, — дейди Фахриддин ака. — Айниқса, қўшимча қийматдан олинадиган солиқ маҳсулот нархини қимматлаштириб юборди. Россия билан иқтисодий алоқалар издан чиққач, ускуналар олиш қийинлашиб қолди. Шундай пайтда Тошкентдаги йирик корхоналарда кичик корхоналар учун дастгоҳ ва ускуналар тайёрлашни йўлга қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

Холмуҳаммад НУРУЛЛАЕВ,
журналист.
Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ДАРАЖАСИДА

«Тошкент тўқимачилик комбинати» ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларини таъмирлаш давом этмоқда. Кейинги икки йилда 1-фабриканинг ўзида 262 дастгоҳ ўрнатилди.

Корхонани техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш жаҳон стандратлари талабларига мос — эни 150—170 сантиметрли сурплар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди.

Суратда: саккиз йилдан буён фабрикада баракали меҳнат қилиб келаётган малакали ишчи Дилшода Қурбонова.

Р. ШАМСУДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

• ИБН СИНО МАДАДИ •

● 1978 йил эди. Тўхтасин Солиевни республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига таклиф этишди. Вазир Қ. Зонров шаҳарда бод касаллиги маркази очиш зарурияти туғилганлигини тушунтирди.

Шифокор Т. Солиев ҳам бу бедаво хасталикнинг олдини олиш ҳақида тинимсиз ўйларди. Демак, вазир рози. Бу ҳақда қачонлардан бери айтиб келинаётган муаммо ечиляпти. Шу кундан эътиборан марказ ташкил этишга киришилди. Москвадан таниқли олим Э. Пехлак таклиф этилди. У ўз мулоҳазаларини билдирди. Марказ дастлабки беморларни даволай бошлади.

...Тўхтасин мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ шифокор бўлишни, одамларни дарддан халос этишни ўйларди. У шу мақсадда Тошкент давлат тиббиёт институтига ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан ўтиб, дастлабки синов, билим, маҳорат, изланишларни давом эттирди. Т. Солиев Фарғона вилоятига йўлланма олди. У касалхонада шифокор, бош шифокор бўлиб ишлади. Айниқса, бод хасталигига чалинган беморлар унга тинчлик бермасди, бу борадаги изланишларини давом эттирди.

Изланиш ўз самарасини бермай қолмайди, албатта. Уйқусиз тунлар, бемор ҳолатини ўрганиш ва бу борадаги тинимсиз ҳаракатлар туфайли 1971 йили илмий профессорлик илмий унвони берилди.

Ихтисослашган амбулаторияда даволаш курсининг афзаллиги нимада? Биз шу савол билан профессор Т. Солиевга мурожаат этдик.

— Биласизми, бод хасталигини ўн-ўн беш кунда даволаш мушкул. Тўғри, энг оғир беморларни марказда даволаймиз. Шунда ҳам унинг асорати анча муддат давом этади. Шунинг учун биз янги бир усулни қўлладик. Кўпгина беморлар марказ ҳузуридаги поликлиникада тажрибали шифокорлар кўригидан ўтадилар. Уларга беморлиги ҳақида алоҳида дафтарчалар очамиз. Дори-дармон топиш ва харид қилишда қийналмасликлари учун дорихонамиз ҳам мавжуд. Хориждан келтирилган аппаратларда муолажадан ўтадилар. Бу борада поликлиника бўлими мудири Зарофат Турсунқулованинг ҳиссаси катта бўляпти. Чунончи, беморлар лазер усулида, юқори босимли кислородли камерада даволанадилар. Бундан ташқари қонни тозалаш, игна билан, физиотерапия, юқори частотали сув, уқалаш, бадантарбия усули билан даволаш турлари ҳам бор.

Демак, айрим беморлар вақти-вақти билан поликлиника шифокорлари ҳузурида бўлиб, керакли дори-дармон, муолажа оладилар. Бу уларнинг хизмат жойидаги ишига ҳам ҳалақит бермайди. Бугунги кунда юзлаб тошкентлик ва яқин атрофдаги беморлар худди шу усул бўйича даволанмоқдалар. Янги йилдан бери 1200 дан ортиқ беморнинг дардига шифо топганлиги бу хизмат турининг афзаллигидан дарак бераётир.

Моҳир шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Ашурбек Жиянбоевни беморга муолажа қилаётган пайтда учратдик. У игна билан даволаш бўйича етук мутахассис экан. Яқиндагина Санкт-Петербургда ўз малакасини ва маҳоратини ошириб қайтибди.

— Ҳозир шарқ табобати усулидан кенг фойдаланаётганлигимиз бежиз эмас, — дейди у. — Ахир бу санъат ўзининг минг йиллик анъаналарига эга. Абу Али ибн Синодек улкан аллома етишиб чиққан минтақамизда бу усулга янада эътибор бериш ва уни ривожлантиришнинг пайти келди. Биринчидан, устозим Шамс Осмосбеков худди шу анъанага меҳр уйғотган эди. Иккинчидан эса бугунги бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида Шарқ табобатини ўз ўрни бор. Бунга эсаримиз-дармоннинг тақчиллиги ва устига-устак нархларнинг ошиб кетаётганлигини ҳам ҳисобга олиш керак. Демак, бугунги куннинг асосий йўли — Шарқ табобатимиздир.

Поликлиника бўлими мудири, олий тоифали шифокор Зарофат Турсунқулованинг яхши бир далил келтирди. Шу йилнинг ўзида бўлиб ўтган мингдан зиёд бемор шифо топибди. Демак, шунчалик ажралмаган ҳолда даволанибди. Бу поликлиникани янада кенгайтиришни талаб этаётир.

— Марказимиз бугунги кунда худди шу йўналиш бўйича иш олиб бораётир, — қўшимча қилади профессор Т. Солиев. — Пойтахт билан бирга Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах ва бошқа вилоятларнинг ўзида ҳам марказ шохобчаларини очишни мўлжаллаяпмиз. Бу-ку яхши, аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Аввалги вилоятлардаги беморларни даволаш учун шифокорларни тайёрлаш, малакасини ошириш лозим.

Профессор столининг ёнидаги бир даста хатга кўзимиз тушди. Бирини тошкентлик Йўлдош Назарбоев ёзибди. Мактубларнинг бирига «Қалбимизнинг тўри сизники!» деган сарлавҳа қўйилганди. Яна бошқасини эса Мўмин Орифжонов, Ҳайрулла Алимуллаев, Карима Бойхоновалар ёзган. Уларнинг ҳар бирида дардига шифо бахш этганлиги учун профессор Т. Солиев ва марказ шифокорларига дил сўзлари битилганди.

Шу сония эшик очилди. Талабалар, шогирдлар сабоқ олишга шай эканлигини айтишди. Профессор улар ҳузурига ошиқди...

М. ПИРМАТОВ.

ҚАЛБИМИЗ ТЎРИ, СИЗНИКИ

ҚИТЪАЛАР ВА ОДАМЛАР

● ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЭРОНДА.
● ЮГОСЛАВИЯДАГИ АҲВОЛГО ДОИР.
● ЮРАГИГА ЭЛЕКТР «ЁРДАМЧИ» ЎРНАТИЛДИ.

РАСМИЙ ТАШРИФ

● Тожикистон Республикаси Президенти Раҳмон Набиев бошчилигидаги шу республика делегацияси Эронга расмий ташриф буюрди.

Президент Р. Набиевнинг бу сафари унинг хорижга биринчи расмий ташрифидир. Аэропортда журналистлар билан мулоқот ўтказилди. Тожикистон билан Эрон ўртасидаги яқин алоқаларнинг мустаҳкамлашга, уларнинг барча соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашадиган сафар натижаларига алоҳида урғу берилди.

Эрон Ислом республикасининг Президенти Али Акбар Ҳошими Рафсанжони ҳозирги оғир аҳволдан қутулишда Тожикистонга унинг мамлакати ҳар томонлама кўмак ва ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

ТАНГ АҲВОЛ

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик Кенгаши Сараево аэропортини инсонийлик ёрдами олиб келаётган самолётлар учун очиб қўйиш ниятида шу масканга БМТ кучларини юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

Умуман Югославияда аҳвол танг бўлиб турибди АҚШ Президенти Жорж Буш ушбу мамлакатдаги аҳвол тўғрисида Европа давлатларининг раҳбарлари — Германия канцлери Г. Коль, Нидерландия Бош вазири Р. Любберс, Португалия Бош вазири А. Сильва билан телефон орқали гаплашди. Мулоқотда Босния ва Герцеговинада ўт очишни тўхатишга риоя этилишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

● Хабаровскда халқаро анжуман очилди. Унинг иштирокчилари савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлларини муҳокама этишади.

Учрашувда Австралия, Индонезия, Малайзия, Янги Зеландия, Сингапур, Таиланд, Филиппин ва Японияда савдо-саноат доиралари вакиллари ҳамда дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари қатнашмоқдалар. Шарқий Сибирь ва Россия Узоқ Шарқидаги ўлкаларнинг раҳбарлари ҳам анжуманга келишган.

ҚОТИЛ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

● Жазоир Олий Давлат Кенгашининг Раиси Муҳаммад Будиаф мамлакат шарқидаги Аннаба шаҳри маданият маркази биноси ёнидаги суиқасдда ўлдирилди.

Марҳум раиснинг қотили қамоққа олинди. Ҳозирги вақтда қотилнинг шериклари ва жиноятга гиж-гижлаган шахсларни аниқлаш учун тергов олиб борилмоқда.

Олий Давлат Кенгашининг Жазоир телекўрсатуви орқали ахбороти ўқиб эшитирилди. Қотилнинг шахси ҳақида ҳеч нарса дейилмади. Сўнгги хабарларга кўра раисга суиқасд давомида 1 киши яраланган.

АВИАЛИНИЯ ТИКЛАНДИ

● Хитой Пекин ва Ханой ўртасида авиация ёрдамида савдо-сотиқ айирбошлашни тиклаётир.

Мазкур авиалиния бўйича учишлар бундан ўн уч йил муқаддам тўхтатиб қўйилган эди. Ўшанда Хитой Вьетнамнинг чегараолди районларига ҳужум қилган эди. Жанговар ҳаракатлар узоқ давом этмаган бўлса ҳам улар алоқаларни узишга олиб келди.

Мамлакатлар ўтган йили муносабатларни мўътадиллаштиришга эришдилар.

ЯНГИ ҲУКУМАТ

● Италия давлатбошлиғига ҳукумат янги кабинетининг вазирлари рўйхати тақдим этилди.

Италия Президенти Оскар Скальфаро социалист Жулиано Аматога мамлакат ҳукуматини тузишни топширди. Бу мамлакатнинг урушдан кейинги 50-ҳукуматидир.

КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

● Калифорния жанубида уч соат мобайнида иккита кучли зилзила рўй бергани қайд этилди.

Рихтер шкаласи бўйича 7,4 балл куч билан ер силкиниши маҳаллий вақт билан эрталаб соат бешда қайд этилди. Унинг маркази Лос-Анжелосдан тахминан 150 километр шарқда, чўлдади. 7,1 балл кучга эга бўлган иккинчи зилзила тахминан ўша жойда эрталаб соат 9 дан 7 минут ўтганда рўй берган.

МУРАККАБ ОПЕРАЦИЯ

● Улан-Баторда ги информация хизмати жарроҳи Н. Баласанжав жуда мураккаб операцияни амалга ошириб, номи тилга тушди.

Дархан шаҳрида яшовчи 27 яшар йигит Мўғулистоннинг юрагига электр «ёмчи» ўрнатилган биринчи фуқароси бўлди. Гугурт касалхонасидан сал каттароқ электробиостимулятор беморнинг юрагига жойлаштирилди. Мўъжаз қурилма Россия Федерациясида тайёрланган. Ҳозир беморнинг аҳволи руст.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларининг хабарлари асосида тайёрланди).

ДОН-РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

● **Мустақил мамлакат ўз озиқ-овқатига, хусусан ўз ғалласига эга бўлиши керак. Бу — ҳаёт тақозоси. Шу боис серқуёш ўлкамизда бу ишга астойдил киришилди. Ҳар йилгидан кўпроқ майдонларга ғалла экилгани қувончлидир.**

● Айни кунларда эса республикамиз далаларида ғалла ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Об-ҳавонинг қулай келиши, механизаторларга яхши шароит яратилганлиги туфайли ҳар куни ўрта ҳисобда 15250 гектар майдондаги дон йиғиштириб олинаётир.

● **Шу пайтгача эса жами 203600 гектардан зиёд майдондаги дон ўриб-янчиб олинди. Бу барча майдонларнинг қарийб 26 фоизини ташкил этади. Ҳосилдорлик ҳам ёмон эмас. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 21,7 центнердан маҳсулот олинди. Сомон ҳам сероб.**

● Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтамизки, Хоразм вилояти ғаллакорлари жумҳуриятимизда биринчи бўлиб йиллик режани бажаришди.

ХИРМОНГА БАРАКА

● *Навоий*

● **Сўнгсиз, поёнсиз ғаллазорлар... Сара донга тўлган бошоқлар кўзни қувонтиради. Ғаллазорлар узра бир маромда, юксак унум билан ишлаётган ўрим комбайнлари гўёки мовий денгизда сузаётган баҳайбат кемаларни эслатади кишига.**

«Нива» комбайнлари наъра тортиб ишлаётган буғдойзорлар томон яқинлашдик. Ғаллакорларнинг, ҳиммати баланд комбайнчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар гоҳ ўрим техникасининг донга тўлган бункеридан ҳосилни бўшатишса, гоҳ сомон ғарамларини уюм-уюм қилиб тўдалаб кетишади.

То тушликка қадар тўртта комбайн билан 14,5 гектар майдондаги бўлиқ ғалла экинлари ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Комбайнлардан чиққан дон ва сомонни Ортиқ Жабборов, Мардон Орзиев, Райҳон Сатторов, Нурқул Шодиев, Абдулла Муродов сингари шофёр ҳамда механизаторлар пешма-пеш ташиб туришибди.

Айни тушлик пайти... Хирмон жойларидан хиёл нарироқдаги майдончага бирин-кетин ўрим техникалари келиб тўхтади. Улардан махсус коржомалари ўзларига ярашиб тушган, саратон қуёши, унинг ҳароратли тафтидан терлаб кетган кема командирлари тушиб кела бошлашди. Механизатор йигитлар ўрим суръати ва сифати хусусида, тушликка қадар ким кўпдон янчиб олгани борасида баҳслашардилар. Қорачадан келган новчароқ йигит эса ҳеч кимга гап бермасди. Буни сезган хўжалик бош муҳандиси, ўрим-йиғим ишлари раҳбари Муҳаммад Камолов кутилмаганда сўз бошлади:

— Мусобақа ғолиби, ўрим пешқадами мана шу йигит— Шоди Пўлатов бўлади, — дея ҳалиги кўпкарида улоқ бермайдиган, кўринишидан анча ишбилармон механизаторни таништирди. У ўтган беш кунликда ўз ўрим комбайни билан 29 гектар майдондаги буғдой ҳосилини ўриб-янчиб берганини ҳам қўшиб қўйди. Бир пиёла чой устида ўрим илғори Ш. Пўлатов билан танишиб, ўзаро суҳбатлашдик. У суҳбат давомида Хўжам Раҳмонов, Комил Мехлиев, Турсунқул Рўзимбоев каби комбайнчилар билан ким ўзарга беллашиб ишлаётганини, мавсумда 75 гектар ердаги ғаллани сифатли ўриб беражагини билдирди.

Тушликдан сўнг яна ғаллазорларни ўрим техникаларининг гулдуроси қоплади. Яна хирмон донга, пайкаллар сомонга тўлиб тошиб борди. Ҳа, худди шу жазирама саратон кунларида Навоий вилоятидаги Навбаҳор районининг «Гигант» давлат хўжалиги ғаллазорларида бўлган киши бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Қисқа вақт ичида хўжалик далаларидаги 800 гектар буғдой ва арпазорларнинг 460 гектаридаги ҳосил ўриб олинди. Гектарлар ҳосилдорлиги эса ўртача 24—26 центнерга тўғри келяпти. Шундан бўлса керак, ҳозиргача хўжаликда икки минг тоннадан зиёд сара дон ғарамланди. Демак, бу йил хўжаликда Президент Фармони асосида халққа ўртача 100 килограммдан эмас, 200 — 300 килограммдан ҳам ғалла бериш имконияти бор.

Энди ўрим-йиғим қатнашчиларига яратиб берилган шарт-шароитни қаранг: бевосита даланинг ўзида иссиқ овқат, сархил мевалар мавжуд. Бунинг устига улар даланинг ўзидаёқ медицина кўригидан ўтказиб турилибди. Механизаторларнинг ишдан бўш вақтидаги дам олишларини уюштириш ҳам намунали ташкил этилган.

Райондаги А. Навоий номли, Охунбобоев номли, «Янгиқўрғон» жамоа хўжаликларида ҳам ғалла ўрим-йиғими қизғин. Аниқроғи, омборлар ҳам, хирмонлар ҳам донга тўлиб-тошмоқда.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *ТАЙЁРГАРЛИК КОМИТЕТИДА БИРИНЧИ СУҲБАТ*

● **«Советский спорт» газетасининг ўқувчилари Ўзбекистон жамоатчилиги, ишбилармонлари ва ҳукумати республика пойтахти — Тошкентни Олимпиада —2000 ўйинларини ташкил этишга даъвогарлар қаторига қўйганликларини биладилар.**

Ўзбекистон делегацияси Лозанна шаҳрида бўлиб, Халқаро олимпиада комитети (ХОК) президенти Хуан Антонио Самаранч билан учрашдилар, президент Тошкентнинг Олимпиада маркази бўлишга даъвогарлар қаторига қўшилишга розилик берди. Шундай қилиб, Тошкент даъвогарлар рўйхатида саккизинчи ва сўнгги шаҳар бўлди. Ушандан буён нима иш қилинди! Биз Тошкентнинг 2000 йилда бўладиган ёзги олимпиада ўйинлари пойтахти деб эълон қилинишига доир тайёргарлик комитетининг раиси, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари Улуғбек ЭШТОЕВ ҳамда тайёргарлик комитетининг бош ҳомийси — «Азия трейдинг интернешнл корпорейшн» компанияси кенгашининг раиси Александр ИСАЕВ билан айни шу ҳақда суҳбатлашмоқчи бўлдик.

Тошкентнинг олимпиада соҳасидаги дадиллиги хусусида сўзлашмоқчи эдик, бироқ суҳбат анча кенг тус олди.

● *ОЛИМПИАДА–2000 ЙИЛ*

ТОШКЕНТ ДАЪВОГАРЛИК ҚИЛМОҚДА

Мухбир: Лозаннадан қайтиб келганингиздан кейин батафсил суҳбатлашган эдик. Шундан буён бир неча ҳафта ўтди. Шу вақт ичида қандай ишлар амалга оширилди?

У. Эштоев: Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов тайёргарлик комитетини тузиш тўғрисидаги Фармонни имзолади. Комитетга бошчилик қилиш менга топширилди. Комитет таркибида республика Бош вазирининг ўринбосари, Тошкент ҳокими, миллий авиакомпаниянинг, молия вазирлигининг раҳбарлари бор...

Бундан ташқари, Умумроссия олимпиада комитетининг президенти Виталий Смирнов билан учрашдик. Унинг тажрибаси ва билими биз учун жуда қимматли. Республикадаги ишбилармонлар билан музокаралар олиб борилди — тайёргарлик комитетига ҳам маънавий, ҳам иқтисодий мадад зарур.

Мухбир: Маънавий жиҳати тўғрисида бир-икки оғиз гаплашайлик. Айтишларича, Самаранч Тошкентнинг ташаббусидан хабар топгач, олимпиада нима эканлигини республикадаги шошқалоқ кишиларга тушунтириб бериш учун Ўзбекистонга ўз вакилини жўнатиш ҳақида фармойиш берган экан. Яъни, ХОК президенти сизнинг ташаббусингиз олимпиадани ўтказиш қанчалик мураккаблигини ва қимматга тушишини тўла тасаввур эта олмасликка асосланган, деб ўйлаган.

У. Э.: Бу гап тўғри. Лекин Самаранч Лозаннада Ўзбекистон делегацияси билан учрашгандан кейин биз у ўйлаганча «шошқалоқ» одамлар эмаслигимизни тушунди. Ўзбекистонга вакил юбориш ва тушунтиришга ҳожат қолмади.

Мухбир: Лекин Олимпиадани ташкил этиш ҳақиқатан ҳам кенг кўламли жангга тайёргарликни эслатади. Бу қийин, очиғини айтганда, жуда қимматга тушадиган ишга аралашишга нима сабаб бўлди?

У. Э.: Бунинг бир неча жиҳатлари бор. Аввало, бизни Жанубий Корея намунаси руҳлантирди. Чунки Сеулдаги Олимпиадага қадар халқаро миқёсда Жанубий Кореянинг обрўси бутунлай бошқача эди. Ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги, шу жумладан, электрон соҳадаги ютуқларига қарамай, унинг мақоми ўзгача эди. Аммо Олимпиада туфайли Жанубий Кореяни бутун жаҳон таниди.

Биз ҳам бутун жаҳоннинг танишига ҳақлимиз. Эндиликда Ўзбекистон Республикаси бой тарихга, деярли уч минг йиллик маданиятга эга бўлган мустақил давлатдир. Аммо бу масаланинг бир томони, холос.

Масаланинг иккинчи томони шундаки, Тошкент сулҳпарварлик анъаналари билан машҳур. Эслаб кўринг: Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги уруш вақтида шу иккала мамлакат ўртасидаги сулҳ шартномаси айни Тошкентда имзоланган. Айтмоқчи, Тошкент БМТ ва ЮНЕСКОдан «Тинчлик элчиси» мақомини олган собиқ СССРдаги бирдан-бир шаҳардир. Бу йил Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI кинофестивали бўлади, унда 100 дан ортиқ мамлакат қатнашади.

Масаланинг учинчи томони ҳам бор. Ўзбекистон Республикаси — ёш давлат. Унинг жуда катта хом ашё ресурслари мавжуд. Лекин баркамол мамлакатлар даражасига кўтарилиш учун республикамизга жаҳон ҳамжамиятининг ёрдами зарур. Олимпиадани уюштириш, унга тайёргарлик сармоя олишимизга ёрдам беради.

Шу сабабли республика Президенти Каримов 2000 йилдаги ёзги олимпиада ўйинларини ташкил этиш даъвогарлари қаторига Тошкентни ҳам кўрсатиш ғоясини ҳеч иккиланмай қўллаб-қувватлади.

Мухбир: «Азиан—корпорейшн» компаниясини бош ҳомий деб атадик. Бинобарин, тайёргарлик комитети ишбилармон кишилар ёрдамидан манфаатдор.

У. Э.: Катта спорт ва олимпиада ҳаракатига аниқравшан назар солиш керак. Ҳозир бизнес спортга мадад бермоқда — бошқа илож йўқ, бироқ бизнеснинг ўзи ҳам спортдан наф кўрмоқда.

Мухбир: Аммо ҳозир гап жуда катта пул тўғрисида бормоқда. Бундай ҳаражат «Азиан—корпорейшн»ни оқсатиб қўймайдими?

А. Исаев: Оқсатмайди. Хорижий ҳамкорлик билан аниқ битимлар тузганмиз, улар Тошкентнинг Олимпиада пойтахти этиб кўрсатилиши ғоясини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёрдирлар. Бунинг устига жиддий ҳомийлар ҳам бор. Кўплаб маҳаллий ишбилармонлар ва бизнесчилар харажатларни қоплашга тайёрдирлар. Ниҳоят, биз республика ҳукуматининг ҳам моддий мадад беришига ишонамиз.

Мухбир: Демак, Олимпиада сиз учун ҳар ҳолда катта бизнес эканда?

А. И.: Мен бундай демоқчи эмасман. Лекин бизнесни истисно қилиб бўлмайди. Ҳар ҳолда харажатларни қоплаш учун даромад олиш зарур. Сўнгги ёзги ва қишки олимпиадаларнинг ташкилотчилари даромад олиш учун ҳеч уялмай курашганлар. Ҳақиқатан ҳам солиқ тўловчилар нима учун жабрланишлари керак? Ҳозирги МДҲда «ватанпарварлик» энг кўп ишлатиладиган сўз бўлмаса ҳам асосий мақсад ватанпарварлик ҳаракатларидир.

Мухбир: Тошкент гўё Олимпиада ўтказиш ҳуқуқини олгандек мулоҳаза юритяпмиз. Ҳолбуки, даъвогарларнинг баҳсида мағлуб бўлиш эҳтимоли ғолиб чиқиш эҳтимолидан кўпроқ.

У. Э.: Биз «ғолиб чиқамизми ёки мағлуб бўламизми» деган масалани муҳокама қилаётганимиз йўқ. Саккизта даъвогарнинг бирортаси ҳам бундай муаммони муҳокама қилишида маъно йўқ — бу масалага тааллуқли жиҳатлар жуда кўп.

Бошқа нарса муҳимроқ: спортчилар тили билан айтганда, биз югурувчилар сафига энг кейин қўшилган бўлсак ҳам, марафон масофасига югуряпмиз. Бу жуда узоқ масофа, маррага етиб боргунча кимнинг ҳоли нима кечишини ҳозир ҳеч ким билмайди. Энг муҳими — биз шу қаторга қўшилдик. Бинобарин, ишни шундай ташкил этиш керакки, маррага биз яхши тайёргарлик кўриб, ҳормай-чарчамай етиб борайлик. Ана шу масофани ўтиш чоғида бизнинг куч-ғайратларимиз ва оммавий ахборот воситаларининг саъйи-ҳаракатлари туфайли жаҳон Ўзбекистонни билиб олиши ва уни эшитиши ҳам муҳимдир. Бутун жаҳон Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидан, ана шу шаҳарлар орқали ўтган буюк «Ипак йўли»дан, дўстпарвар халқимиз ва унинг маданиятидан хабар топади.

Учинчи мақсад ҳам бор. Биз ўзаро низолар ва қарама-қарши туриш даврида яшаяпмиз. Худога шукурки, бундай низолар собиқ СССРнинг бошқа минтақаларида авж оляпти, лекин ҳозирча Ўзбекистонда сезилмай турибди. 2000 йилда ёзги Олимпиада ўтказишни мақсад қилиб олиб, бу мақсад халқимизни бирлаштиришга, жипслаштиришга қодир, деб ҳисоблаймиз.

Мухбир: Сиз айтиб ўтган «Ипак йўли» ҳақида бироз тўхталмоқчиман. Бу йўлни бир вақтлар европалик буюк сайёҳ Марко Поло босиб ўтган. Гап шу йўлни рамзий маънода тиклаш ҳақида боряптими ёки уни тиклашда аниқ бир маъно борми?

У. Э.: Бу ўринда рамз ҳам, воқелик ҳам яхлит бўлиб бирлашиб кетади. Бир томондан гап умуман Ғарбнинг Шарқ билан яқинлашиши тўғрисида бормоқда. Иккинчи томондан эса Истанбулни Пекин билан боғлайдиган, қадимий карвон йўлини такрорлайдиган темир йўл ва автомобиль йўли қурилишининг аниқравшан лойиҳаси мавжуд. **Мухбир:** Буюк «Ипак йўли»нинг тикланиши, Осиё мамлакатларининг спорт соҳасидаги ҳужуми. Айтмоқчи, яқинда газетамизда жаҳон спортидаги раҳбарлик лавозимини келгусида ким эгаллаши тўғрисидаги масала жиддий муҳокама қилинди. Муҳокама Осиё мамлакатлари спортчиларининг бу соҳадаги ютуқлари билан боғлиқ эди. Ана шу мамлакатларнинг иқтисодий ютуқлари-чи? Жанубий Корея, Хитой, Туркия... яна бир нарсага эътибор беринг: Сеул Олимпиадани ўтказди, энди эса Осиёдаги учта пойтахт: Пекин, Тошкент, Истанбул ана шундай жасорат билан чиқди. Бунинг заминида нималар бор? Қандайдир бир ҳужумми?

У. Э.: Мисол учун Тошкент ҳақида гапирадиган бўлсак, иқтисодий юксалишга умидлардан ташқари дунёга ўзини кўрсатиш истаги билан бир қаторда ёшлар тўғрисидаги ғамхўрлик ҳам мавжуд. Республиканинг 22 миллионли аҳолисининг 50 фоизини ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг саломатлиги ташвиш туғдираётганлиги сир эмас. Бунда экология ҳам, маданият даражаси ҳам айбдор. Олимпиада спортга, бинобарин, саломатликка оммавий қизиқиш уйғотади, деб умид қиламиз. «Раҳбарлик лавозими»га келганда эса, бундай лавозим учун курашишнинг айби йўқ.

Мухбир: Олимпиада пойтахти бўлиш учун курашчи? Бу кураш Осиё пойтахтларини: Пекин билан Тошкент, Тошкент билан Истанбул ўртасида можарога сабаб бўлмайдими?

У. Э.: Лозаннада шу ҳақда гапирдик. Гап фақат Осиё пойтахтларида эмас, балки умуман даъвогар шаҳарлар ҳақидадир. Биз Олимпиада масофасида рақибмиз, лекин бу бир-биримизга душман бўлишимиз керак, деган гап эмас. Ахир, спортчилар майдонларда ғалаба учун курашганлари билан улар бир-бирига душман эмас-ку. Истанбул тўғрисида гапирадиган бўлсак, Ўзбекистоннинг Туркия билан ўхшаш жиҳатлари кўп: динимиз бир, тилимиз бир, халқимиз бир. Бунинг устига пойтахтлардан бирини танлаш чоғида — дастлабки сайловда биз олдинга ўтиб олсак, ишончим комилки, Истанбул Тошкентни қўллаб-қувватлайди.

А. И.: Жаҳон миқёсидаги ҳар қандай катта тадбир ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлади, холис бўлмайди. Ҳар ҳолда бизнинг республикамизда дин давлатдан ажратилган. Одамлар динга ишонишлари мумкин, лекин дин давлат сиёсати эмас. Ўзбекистонда бизни дин эмас, балки халқнинг ягона руҳи, бурч ва инсонпарварлик туйғуси бирлаштириб турибди.

Бахтимизга МДҲ мамлакатларида бўлаётган кўп воқеалар республикамизда такрорланмаяпти. Шахсан мен русман, рафиқам — украин, лекин Хивада туғилган. Биз ўзбек халқининг анъаналарини ҳурмат қиламиз, айни пайтда ҳеч қандай миллатчилик тазйиқини сезаётганимиз йўқ. Айтишим мумкин: ўзбек халқи энг яхши маънода байналмилалчилик руҳидаги халқдир.

Мухбир: Ҳар ҳолда Киплинг Ғарб ғарблигича, Шарқ эса Шарқлигича қолаверади, деган экан. Сиз бунга қандай қарайсиз?

У. Э.: Мен сиёсатчи Редьярд Киплингни эмас, балки ёзувчи Редьярд Киплингни ҳурмат қиламан. Айниқса, миллий муносабатлар хусусида... Биз Европа мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлашни, бизнесда уларга устуворлик беришни хоҳлаймиз. Шу сабабли Президент Каримов ёшларимизнинг хорижда таълим олишларини рағбатлантирмоқда. Ҳозир уч мингдан кўпроқ ўзбек талабалари АҚШ, Канада, Буюк Британия, Туркия, Франция ва Германияда таълим олмоқда. Айтмоқчи, бу йил бундай талабалар сони икки баравар кўпаяди.

Мухбир: Тошкентнинг 2000-ёзги олимпиадага даъвогар бўлаётган шаҳарлар қаторига киритиш ғояси маълум даражада Ўзбекистонда юз бераётган ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жараёнларнинг инъикосидир.

У. Э.: Мутлақо тўғри. Шу боисдан биз Олимпиада масофасида бор кучимиз билан курашишга қатъий аҳд қилганмиз.

Мухбир: Спорт атамаларини ишлатишингизга қараганда шахсан ўзингизнинг спортга қандайдир муносабатингиз бор, деб ўйлаяпмиз.

У. Э.: Аниқроқ айтганда, спорт билан илгари шуғулланганман. Ёшлигимда Чимкентнинг «Металлист» мастерлар командасида, кейинчалик «Пахтакор» командасида футбол ўйнаганман.

Мухбир: Исаев-чи?

А. И.: Мен ҳам спорт мастери бўлганман. Волейбол, гандбол ўйнаганман.

Мухбир: Бизга маълум бўлишича, ҳозирги кунгача МДҲ бирлашган командасида 22 нафар ўзбекистонлик спортчининг иштирок этиши режалаштирилмоқда. Тошкентдан Барселонага ўйинларнинг бўлажак ташкилотчиларининг махсус «командаси» жўнаб кетиши ҳам маълум. Сиз тажриба ўрганиш учун боряпсизми ёки қалбингизда футбол ихлосмандларига хос жўшқинлик сақланиб қолганми?

А. И.: Ҳақиқий ихлосмандликни кўрсатиш учун вақт йўқ. 18 июль куни Барселонада Тошкент делегациясининг хорижий журналистлар учун суҳбати бўлади. Бундан ташқари ўйинлар давом этаётган кунларда Барселонада «Ўзбек уйи» очмоқчимиз. Бу уйнинг эшиклари Тошкент билан, республика, унинг одамлари, турмуши, анъаналари, саноати, тарихий ва маданий қадриятлари билан танишишни хоҳлаган кишилар учун кенг очиб қўйилади. Кўп иш қилишга тўғри келади.

Мухбир: Ҳозир ёдимизга тушди, Альбервилда Барселона делегациясиниг учратган эдик. Бу делегация Олимпиада мезбонларининг ахборот ва алоқа соҳасидаги тажрибасини ўрганмоқда эди. Бу Олимпиада хўжалигининг энг мураккаб тармоғи. Агар Олимпиадани ўтказиш учун Тошкент танлаб олинса, у ана шу вазифани уддалай оладими?

У. Э.: Жаҳон ҳамжамиятини ишонтириб шуни айтаманки, Олимпиада ўйинларини ташкил этиш туфайли келиб чиқадиган барча муаммоларни республика ҳал эта олади. Алоқа тўғрисида гапирадиган бўлсак, йўлдош алоқаси соҳасида иш олиб бораётган таниқли япон компанияси билан битим тузганмиз. Олимпиада Тошкентда ўтадими ёки ўтмайдими, лекин олий андозалар даражасида жаҳон билан алоқани йўлга қўямиз.

Мухбир: Спорт инсон маданиятининг ўзига хос мезонига айланадиган, Европа мамлакатлари йўлидан борадиган жамият тўғрисида кўп гапирдингиз. Сиз учун Россия, айниқса, Олимпиада ўйинларига тайёргарлик жиҳатидан қараганда қандай мамлакат бўлиб қолади?

У. Э.: Менимча, бу саволга Россия Президенти Борис Ельцин билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов имзолаган битим яхши жавоб бўла олади. Биз шунга асосландикки, Россия билан Ўзбекистон бирга бўлиши керак ва халқларимизнинг гуллаб-яшнаши учун биргаликда ишлаши керак.

Мухбир: Олимпиада пойтахтини танлаш йўлида Тошкент Россиянинг мададини ҳис этади, деб умид қиламиз. Бу йўлда сизлар катта қийинчиликларга дуч келасизлар. Сизларнинг шиорингиз...

А. И.: Бизнинг шиоримиз: олға бориш ва бўш келмасликдир.

Мухбир: Буюк Скоттнинг шиори... Агар мағлуб бўлсангизчи?

А. И.: Биз ютқазмаймиз. Нима бўлганда ҳам асосий мақсадларимиздан бирига эришамиз — Ўзбекистон Республикасини жаҳон таниб олади. Ғалаба эса... Тошкент 2004 йил учун ариза топширади. «Советский спорт» газетасининг бизни қўллаб-қувватлаши жуда муҳимдир.

Мухбир: «Советский...» Бу ном ғашингизни келтирмайдими?

У. Э. ва **А. И.:** Йўқ!

У. Э.: Дунёда кўп нарса ўзгармоқда. Уларнинг баъзилари тўғри, баъзилари тўғри эмас. Хотирани йўқотмаслик керак. Бизнинг фикримиз ва дўстларимизнинг фикри бундай: «Советский спорт» газетаси «Советский спорт»лигича қолиши керак. Айтмоқчи, республикамизда сизнинг газетангизни севиб ўқишади, лекин уни топиш қийинроқ. Чакана савдога жуда кам чиқади.

«...Советский спорт» тайёргарлик комитетининг расмий овозига айланади, деб умид қиламиз.

Мухбир: Биз розимиз. Сизлар билан бирга Олимпиада пойтахти учун курашнинг узоқ масофасига чиқамиз. Сизларга муваффақият тилаймиз. Сизнинг ўрнингизда «Ипак йўли»дан биринчи бўлиб ўтган Марко Поло бўлганида эди, у Жаҳон олимпиада комитетидаги жанобларга, 2000 йил Олимпиада пойтахтини танлайдиган кишиларнинг ҳаммасига: «Йигитлар, бу ўйинни Тошкентга берингилар» деган бўлур эди.

А. КОРШУНОВ,
В. КУДРЯВЦЕВ.
«Советский спорт» газетаси.
1992 йил 20 июнь.

● *Жиззах*

ҒАЙРАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Дўстлик районидаги «Дўстлик» давлат хўжалиги чўлқуварлари бу йил 320 гектар майдонда уруғлик ғалла етиштиришди. Қилинган астойдил меҳнат туфайли шу кунларда ҳар гектар майдондан 42 центнердан буғдой ҳосили ўриб-янчиб олинмоқда. Хўжалик далаларида 5 та комбайн юқори унум билан ишлатиляпти. Ҳозиргача барча ғаллазорнинг ярми ўриб бўлинди. Ғалласи ўриб олинган майдонлардан сомон ҳам пешма-пеш ташилиб, ўрнига маккажўхори, мош, тариқ ва турли сабзавотлар экилмоқда.

Суратларда: 1. Илғор ғаллачилик звеноси бошлиғи Иқром Эшмуродов ўз ёрдамчиси Мустафоқул Файзуллаев билан бугунги ишлар ҳусусида ғаплашмоқда. 2. Илғор комбайнчи Зокиржон Холмўминов. 3. Район деҳқончилик-саноат уюшмаси мутахассислари Турсунбой Норбоев ва Ўктам Тўрақуловлар шу звено ишчиси Тиловолди Самадов билан ғаллазорда.

К. ЖУРАҚУЛОВ олган суратлар.

ЎРИМ БОШЛАНДИ

● *Қорақалпоғистон*

● **Бу йилги табиий қийинчиликларга қарамасдан Қорақалпоғистоннинг шимолий районлари хўжаликларида буғдойдан мўл ҳосил етиштирилди. Куни-кеча бир қатор хўжаликларда буғдой ўрими ёппасига бошлаб юборилди.**

— 14 гектар майдондаги кузги буғдойнинг ҳар гектаридан 30 центнердан буғдой ўриб оляпман, — деди Хўжайли районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги оилавий звено бошлиғи Омон Дурметов. — Механизатор Кўклам Ерилқопов ўз комбайнида 6—8 гектар майдондаги буғдойни ўриб-янчиб бермоқда. Буғдой ўриш ва янчишни тез кунларда тугаллаймиз. Ўрнига силосбоп маккажўхори экишни бошлаб юборамиз.

Шу колхоздаги Собир Бобоев, Ниёзимбет Олломберганов, Қурбонбой Исмонлов бошлиқ бригадаларда ҳам буғдой ўрими бошлаб юборилди. Жамоа хўжалиги ғаллакорлари бу йил камида 700 тоннадан кўпроқ дон тайёрлашга ҳаракат қилмоқдалар

Ленинобод, Нукус, Қораўзак, Амударё, Хўжайли каби қатор районларнинг ҳар бирида 430-730 гектар буғдойзор бор. Шу районлар хўжаликларида уч-тўрттадан комбайн икки смена да ишлаб турибди.

— Бу йилги маррамиз яна ҳам кўпроқ бўлиши керак, — деди Қорақалпоғистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг етакчи мутахассиси Д. Мирзамбетов. — Чунки кўп хўжаликларда 30 центнер ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда ҳосил етиштириш имконияти мавжуд. Ҳисоб-китобларимизга кўра, 10 минг тоннадан кўпроқ дон тайёрлаймиз. Шу билан бир қаторда келгуси йилда ҳам буғдойдан мўл ҳосил етиштиришнинг имкониятларини топишга ҳаракат қиляпмиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• СПОРТ

БИРИНЧИ ЎРИН

● ҒИЖДУВОНЛИК ўқувчилар Нижний Новгород шаҳрида ўтказилган баскетболчилар мусобақасида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Илгари ғиждувонлик ўқувчилар Нижний-Новгород мактаблари билан ўзаро алоқани яхшилашга интилиб, «Қувноқ стартлар» баҳсларида ўзаро иштирок этардилар. Баскетбол бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган МДҲ биринчилиги эса кўпчиликда таассурот қолдирди. Ўн кун давом этган мусобақада Ғиждувон баскетболчилари муваффақиятли иштирок этишди. Чунончи улар Нижний-Новгород (49:24), Москва (17:8), Чебоксари (51:25), Арзамас (54-38), Владимир (25:8), Самара (25:43) жамоалари билан ўйиндан кейин зафар қучиб, биринчи ўринни қўлга киритишди. Бу ғалабага Ғиждувон спорт мактабининг талабаларидан Э. Абдурашидов, О. Давлатов, А. Шохбаков, С. Ғайнитдинов, А. Раҳимов, О. Ўроқов, Р. Адизов, Р. Нуриллинлар муносиб ҳисса қўшдилар.

СУД ЗАЛИДАН

ЖАҲОЛАТ

Ёмон нафсинг сани ўтдек тутошди,
Гуноҳинг бора-бора ҳаддан ошди.
Неким сан ёд қилдинг бўлди ёлғон,
Қани сандек гуноҳ остида қолғон.
Сўфи ОЛЛОЁР

Тошкент шаҳрининг Аҳмад Яссавий номли маҳалласидаги Нормирзаевлар хонадонида тонг палласида содир бўлган бу фожиа кишиларни ларзага солди. Ким ўйлаган эди камторона ҳаёт кечираётган бир оила бошига шундай изғиринли кун келади деб?

Нормирзаевларнинг куёви Зокир Мавлонов қилди бу ишни. Зокир ўта вахшиёна хатти-ҳаракати билан на фақат Нормирзаевларни, балки ўз оиласидаги каттакичик кишиларни ҳам қаттиқ ранжитди, уларнинг юзларини ерга қаратди. Ҳа, энди оҳу войдан не фойда?! Бир дона гугурт чўпи билан катта ёнғин чиқариш мумкин. Арзимасдек бўлиб туюлган ўзаро ғиди-бидилар, дилсиёҳликларнинг эса фожиага айланиши ҳеч гап эмас экан. Қўл югуриги — ошга, тил югуриги — бошга, дейдилар. Ақлу фаросат, инсоф ва адолат билан хотиржам умр кечирганга нима етсин?

... 1988 йилнинг июль ойида — айни пишиқчилик кунларида Феруза билан Зокирнинг никоҳ тўйлари бўлди. Келин пошшанинг ота-онаси Ёқутхон опа билан Раҳматулла ака ҳамда куёв тўрани оқ ювиб, оқ тараган Тўхтахон аяю Карим акалар шундай шодиёна дамлар келишини орзиқиб кутишган эди. Заҳматкаш ота-оналар ҳалол меҳнатлари эвазига бунга эришгандилар. Улар фарзандларининг қўша қариб, увалижували, пири бадавлат бўлиб кетишларини астойдил исташганди. Никоҳ кечасига тўпланган ёшу қари кишилар ҳам худди шундай тилак билдирганди.

Тўй оқшомида астойдил айтилган дил сўзлари рўёбга чиқа бошлади. Ёш оилада Ботир ва Ирода исмли ширин-шакар фарзандлар дунёга келди. Фарзанд — муҳаббат меваси. Ота билан она уни асраб-авайлаб ўстириши, тарбиялаши, ҳақиқий инсон қилиб вояга етказиши керак. Лозим бўлиб қолса, ўз ҳузур-ҳаловатидан ҳам кечмоғи даркор. Кошкийди Зокир билан Феруза шундай қила олган бўлишса-!

Феруза 1990 йил ноябрда ота-онасининг уйига кетиб қолди. Ўғли ва қизи билан ўша ерда яшай бошлади...

1991 йил 31 май куни Зокир Мавлонов амакисининг уйида меҳмонда бўлиб, спиртли ичимлик истеъмол қилди. У 1 июнга ўтар кечаси тахминан соат тўртбешларда икки боласи билан ётган Ферузанинг хонасига кириб боради. Бу пайтда қайнонаси Ёқутхон Нормирзаева уйда йўқ эди. Зокир хотинига: «Ботирни бер, олиб кетаман», — дейди. Феруза рози бўлмайди. Бундай гаплар бир неча бор такрорланади. Хуллас, эр-хотин ўртасида жанжал чиқади. Мавлонов ёнидаги пичоқни олиб, икки нафар гўдаги олдида Ферузага кетма-кет санчади. Аёл ёрдам сўраб додлайди. Шу пайт унинг укаси Равшан етиб келади. Мавлонов унга ҳам пичоқ уради. Фарзандларининг оҳу фарёдларини эшитиб югуриб келган Раҳматулла ака ҳам зарбага учрайди. Мавлонов қайнотасининг қорин ва кўкрагига пичоқ санчади.

Мудҳиш воқеадан хабардор бўлиб қолган кўни-қўшнилар ёрдамга ошиқадилар. 1974 йилда туғилган навқирон йигитча Равшан Нормирзаев «тез ёрдам» автомашинасида касалхонага етиб бормай йўлда вафот этади. Феруза эса орадан бир ҳафтадан кўпроқ вақт ўтгач шифохонада ҳаёт билан видолашади. Жабрдийда ота Раҳматулла Нормирзаев тиббиёт ходимлари астойдил кўрсатган ёрдам туфайли тирик қолди. Лекин у саломатлигидан ажралди.

Оғир жиноят содир этгач Зокир Мавлонов дастлаб Тўйтепада яшовчи опасининг уйига қочиб борди. Кейин у узоқ вақт Жиззахда яшириниб юрди. Милиция ходимлари уни ўша ердан тутиб келишди.

Шу йил март ойида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов коллегиясининг очиқ суд мажлисида Зокир Каримович Мавлоновнинг жиноий иши кўрилди. Унга Тошкент шаҳар суди аъзоси Эркин Йўлдошев раислик қилди.

Зокир Мавлонов темир қафас ичида ерга қарагнича хомуш бўлиб ўтирибди. Бир қарашда у номаъқул иш қиладиган йигитга ўхшамасди. Ҳозир нималарни ўйлаётган экан-а?! Балки қилган ишидан минг-минг пушаймон бўлаётгандир?! Йўқ, унчалик эмасга ўхшайди. Чунки Мавлонов суд терговида берган узундан-узун кўргазмасида содир этган жиноий айбига қисман иқрорлик билдирди. Айбни рафиқасига ағдаришга уриниб, марҳуманинг шаънига бўлмағур ножўя гапларни айтди. Лекин судда сўрқ қилинган гувоҳлар Ферузанинг яхши она ва покиза аёл бўлганлигини исботлаб беришди.

Бир неча кун давом этган суд мажлиси давомида судланувчининг ўз айбига қисман бўлса-да иқрорлиги, гувоҳларнинг берган асосли кўргазмалари ҳамда иш бўйича ўтказилган экспертиза хулосалари билан З. Мавлоновнинг содир қилган жиноий айби тўлиқ тасдиқланди.

... Ниҳоят, ҳукм ўқиладиган кун етиб келди. Оламдан бевақт кўз юмган Феруза ва Равшанжонларнинг ота-она, қавму қариндошлари ҳамда судланувчи Мавлоновнинг яқин кишилари катта залга тўпланишди. Ҳамманинг нигоҳи темир қафас ичида махсус соқчилар назоратида ўтирган йигитда, Зокир ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилади, дўсту ёронлари билан бош тебратиб саломлашади.

Зокир Мавлонов шу йил августда 27 ёшга тўлади. Не-не орзу-армонлари бор бу азамат йигитнинг! Ҳозирги ниҳоятда оғир ва даҳшатли палада шулардан қай бирини ҳаёлидан ўтказаётган экан-а, у? Одамлар қаторида маъюс ўтирган онасига аста назар ташлайман. Ўғлининг дардида куйиб адо бўлаёзибди бечора. Кўриб, юрак-бағрим эзилиб кетди. Зокирни шу умидда боқиб катта қилганмиди, уйлантирганмиди? Бошқа бахтиёр оналар қатори набираларини бағрига босиб эркалаб, ўйнаб-кулиб юра қолса бўлмасмиди?! Унинг ҳам бунга ҳаққи бор эди-ку, ахир!

Ўн гулидан бир гули очилмай ҳазон бўлган Феруза билан Равшанжонларнинг онасига осон тутиб бўладими?! Бирданига икки фарзандидан, дилбандидан, меҳрибонларидан жудо бўлиб, қон қақшаб қолди-я!

Суд мажлисига раислик этувчи Э. Йўлдошев ва халқ маслаҳатчилари Х. Абдуллаев, Т. Матқуловлар залга кириб келишди. Ҳамма ўрнидан туради. Ҳамма ҳаяжонда.

Судья Э. Йўлдошев ҳукмни ўқиб эшиттирди: «...Мавлонов Зокир Каримовичга нисбатан фавқулодда жазо — ўлим жазоси тадбиқ қилинсин...»

Ҳамма тарқалди.

Судланган Мавлоновнинг ҳимоячиси ва унинг ўзи томонидан берилган кассация шикояти Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноий ишлар судлов коллегиясида атрофлича текширилиб, ҳукм ўз кучида қолдирилди.

... Ботир билан Ирода Ёқутхон опа бағрида ўсмоқда. Жабрдийда она уларни кўрганда Феруза билан Равшанжонни эслайди.

Мақолага сўнгги нуқта қўйиш олдидан чуқур хаёлга чўмаман. Хўш, бу мудҳиш воқеа содир этилмаслиги мумкинмиди? Мумкин эди! Ҳа, бунинг учун жаҳолатга эрк берилмаслиги керак бўларди, холос. «Жаҳл чиққанда — ақл кетади», — деб бежиз айтишмаган-ку донолар.

Усмон ЮСУПОВ.

«Ўзбекистон овози» газетасининг ЖАРЧИНОМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
1992—1993 ўқув йили учун кундузги бўлимга қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Математика, Физика, Химия, Биология, Жуғрофия, Тарих, Рус тили ва адабиёти, Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти, Ўзбек тили ва адабиёти, Тожик тили ва адабиёти, Чет тиллари, Меҳнат, Жисмоний тарбия, Педагогика ва психология, Педагогика ва бошланғич таълим услубияти, Иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришни бошқариш, Агрохимия ва тупроқшунослик.

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА УНИВЕРСИТЕТГА КИРУВЧИЛАР ТЕСТ СИНОВИДАН ЎТКАЗИШ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

Математика, Физика, Химия, Биология, География, Тарих, Рус тили ва адабиёти, Ўзбек тили ва адабиёти, Чет тиллари, Меҳнат, Педагогика ва психология (мактабгача тарбия), Педагогика ва бошланғич таълим услубияти.

Тест синовлари 5 август куни талабалар танлови Республика маркази томонидан амалга оширилади.

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ — жисмоний тарбия, биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

ИҚТИСОДИЁТ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШ — математика (ёзма), жўғрофия (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

АГРОХИМИЯ ВА ТУПРОҚШУНОСЛИК — кимё (оғзаки), биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (диктант).

ТОЖИК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — тожик тили ва адабиёти (иншо ва оғзаки), тарих (оғзаки).

МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ — рус тили ва адабиёти (диктант ва оғзаки), тарих (оғзаки).

Ўқишга кирувчилар университет ректори номига ёзилган аризага ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатни (асли), 086/У шаклдаги тиббиёт маълумотномасини ва 3×4 см. ҳажмдаги 6 дона суратни илова қиладилар. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик тўғрисидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Қабул 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилиш Қоидалари асосида амалга оширилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 732011, Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 43-уй.
Телефонлар: 2-29-08, 2-27-58.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

БУХОРО ИНДУСТРИАЛ-ПЕДАГОГИКА ТЕХНИКУМИ
1992—1993 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА

1. 1205 — Ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
2. 2810 — Тикув технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
3. 2204 — Электрон ҳисоблаш машиналари ва ҳисоблаш техникаларини программалаштириш бўлими бўйича техник операторлар тайёрлайди. Кундузги бўлимда ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

СИРТҚИ БЎЛИМГА

1. 1205 — Ишлаб чиқаришда пайвандлаш технологияси ва ишлаб чиқариш устаси.
2. 3113 — Қишлоқ хўжалигини механизациялаш бўйича техник-механик ва ишлаб чиқариш устаси.
3. 2810 — Тикув технологияси ва ишлаб чиқариш устаси
4. 2903 — Бинолар, иншоотлар қурилиши ва уларни эксплуатация қилиш бўйича техник қурувчи ва ишлаб чиқариш устаси тайёрлайди. Сиртқи бўлимда ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.

Кундузги бўлимга ўқишга қабул қилинган ўқувчиларга стипендия, уч маҳал иссиқ овқат, бепул кийим-бош берилади, қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникумга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:
1. Математика — оғзаки.
2. Она тили ва адабиёти — диктант.
3. Танланган касби бўйича синов имтиҳони.

Кундузги бўлимга ҳужжатлар 10 августгача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга ҳужжатлар 16 июлгача қабул қилинади.

Техникумга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топшириши шарт:
1. Директор номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси).
3. Соғлиғи ҳақида тиббий маълумотнома (086/У формаси).
4. 3×4 сантиметр катталикдаги 6 дона фотосурат.
5. Халқ таълими бошқармаси ва билим юртларидан йўлланма.
6. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий хизматдан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома қабул комиссиясига шахсан тақдим этилади.
7. Сиртқи бўлимга кирувчилар учун юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари меҳнат дафтарчасидан кўчирма лозим.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишингиз мумкин: 705004. Бухоро шаҳри, Ибн Сино кўчаси, 9-уй.

Телефонлар: 5-81-08, 5-81-11, 5-59-55.

1-, 3-, 5-, 10-, 16-автобуслар ва 1-троллейбуснинг ЦУМ бекати.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТГА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ҳужжатларни қабул қилиш 12 июлгача давом этади. Қириш имтиҳонлари эса 13—25 июль кунлари бўлиб ўтади. Институтга қабул қилиш 31 июлда ўтказилади.

Сиртқи куллиётда қуйидаги мутахассисликлар бўйича алоқа муҳандислари тайёрланади:
2305 — автоматик электр алоқа,
2306 — кўп каналли электр алоқа,
2307 — радио алоқаси, радио эшиттиришлари, телевидение.

0710 — алоқа бошқаруви ва иқтисод.

Қабул комиссияси умумий, мақсадли ва кўчма қабулни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлиги ходимлари умумий тартибда қабул қилинадилар, шунингдек, республика аҳолиси, ташкилотлар ва корхоналарнинг кадрлари учун ўқув бепул. Мақсадли қабул Ўзбекистон Республикаси идоралари ва вазирликлари, ташкилотлари ва корхоналари билан шартнома асосида қабул қилинади ва ўқув шартномаларда белгиланган шароитларда олиб борилади. Кўчма қабул давлатлараро шартномалар асосида амалга оширилади. Бу Тошкент алоқа электротехника институтига кирувчи бошқа республикаларнинг фуқароларига тегишлидир.

Бизнинг манзилгоҳ: 700084, Тошкент шаҳри, Амур Темур кўчаси 108-уй. ТАЭИ қабул комиссияси.

Маълумотлар учун телефонлар: 35-77-75, 35-10-52.

НИЯТИНГИЗ ЙЎЛДОШ БЎЛСИН

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ ҚАБУЛ КОМИССИЯСИНИНГ КОТИБИ ЎТКИР БАШИРОВ — МУХБИРИМИЗГА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

— Жумҳуриятимизнинг олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқиш тизимларини янгилашга катта аҳамият берилаётир. Бу, бежиз эмас, албатта. Мустақил Ўзбекистон келажаги учун малакали мутахассислар тайёрлаш шу куннинг бош вазифаларидан биридир.

Биз ҳам замона талабига мос тарзда иш юритаяпмиз. Техникум коллежга айлантирилди. Билимгоҳимизда таълим-тарбия жараёни такомиллаштирилаётир. Айни чоғда олий ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги шартномаларни тузганмиз. Бу эса кадрларимизнинг олий ўқув юртларига кириб ўқишлари учун йўлни очади.

Коллежимизда ўқишлар асосан икки босқичда олиб борилади. Масалан, бино ва иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш мутахассислиги бўйича ўқишни олиб кўрайлик. Биринчи босқичда ўқиш икки йил тўрт ой давом этади. Шундан сўнг талаба яна бир йилу икки ой таълим олади. Битирувчига кичик муҳандислик мутахассислиги берилади. Шундан кейин битирувчи биз билан шартнома тузган олий ўқув юртларининг учинчи курсига имтиҳонларсиз суҳбат орқали қабул қилинади.

Давр талабидан келиб чиқиб, янги мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаяпмиз. Айниқса, «Ишбилармонлар фаолияти» номли бўлимнинг ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қуйида Тошкент қурилиш коллежига 1992-1993 ўқув йилига ўрта маълумотга эга бўлган ўқувчиларни қабул қилиш ҳақида эълонни ҳавола этамиз.

Ёш йигит-қизлар! Яхши ниятингиз йўлдош бўлсин! Етук мутахассислар бўлиш учун ихтисосликларни танланг:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИГА ЎРТА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН

ЎҚУВЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

I. КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА:
1. Қурилиш иқтисодиёти ва режалаштириш.
2. Жамоат ва турар-жой биноларининг меъморчилиги.
3. Бино ва иншоотларни қуриш ва ундан фойдаланиш.
4. Темир-бетон қурилмалари ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
5. Ички иситиш ва сув билан таъминлаш шаҳобчаларини йиғиш.
6. Бино ва иншоотларда электромеханик ускуналардан ва автоматик жиҳозлардан фойдаланиш.
7. Ишбилармонлар фаолияти.

Аризалар 1 июндан 15 августгача қабул қилинади. Қириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади. Ўқувчилар сафига қабул қилиш 25 августгача ўтказилади.

II. СИРТҚИ БЎЛИМГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА:
1. Қурилиш иқтисодиёти ва режалаштириш.
2. Бино ва иншоотларни қуриш ва ундан фойдаланиш.
3. Темир-бетон қурилмалари ва қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш.
4. Ички иситиш ва сув билан таъминлаш шаҳобчаларини йиғиш.

Аризалар 1 июндан 10 августгача қабул қилинади. Қириш имтиҳони 1 августдан 20 августгача ўтказилади. Ўқувчилар сафига қабул қилиш 21 августдан 31 августгача ўтказилади.

КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ИМТИҲОН ТОПШИРАДИЛАР:
1. **Ўзбек тили ва адабиётидан (иншо).**
2. **Математика (оғзаки).**
3. **Расм (Меъморчилик мутахассислигига кирувчилар учун).**

АРИЗАЛАР КОЛЛЕЖ ДИРЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛИБ ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ:
1. **Ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха).**
2. **086 У формадаги тиббий маълумотнома.**
3. **6 дона фотосурат.**
4. **Маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат (колхозчи) дафтарчасидан кўчирма (иш стажига эга бўлганлар ҳамда сиртқи бўлимга кирувчилар учун).**
5. **Корхона, қурилиш муассасаси ёки ташкилотдан юборилганлиги ҳақида йўлланма.**

Коллежга кирувчилар қабул комиссиясига паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий гувоҳномаларини шахсан кўрсатадилар. Бу ҳақида уларни шахсий ҳужжатига тегишли изоҳлар ёзиб қўйилади. Бошқа шаҳардан келиб кундузги бўлимга кирувчилар имконияти борича ётоқхона билан таъминланадилар. Стипендия умумий қоидага мувофиқ берилади.

Мурожаат учун қуйидаги телефонга сим қоқиш мумкин: 44-24-42, 44-23-04, 44-61-80.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент-11 Навоий кўчаси 32 Тошкент қурилиш коллежи.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат Академик драма театри жамоаси театр актёри Қаҳрамон Абдураҳимовга акаси

Сайфиддин АБДУРАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат Телерадиокомпанияси жамоаси Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар Республика радиоси ахборот таҳририяти бош муҳаррири Абдужалол Давронов-га фарзанди

ХУРШИДЖОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирликнинг педагогик таълим ва фан Бош бошқармаси бошлиги, коллегия аъзоси Б. Ғ. Қодировга отаси, ветеран-ўқитувчи, Улуг Ватан уруши ногирони

Ғофуржон ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтининг жамоаси анъанавий ва якка қўшиқчилик кафедрасининг ўқитувчиси С. Тўхтасиновга акаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор

Деҳқон ЖАЛИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Газета таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаётн ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
Буюртма № Г — 127.
№ 128.

Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди — 21.00. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.